

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ УЛУГБЕК ТАЖИБАЕВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ЎТА ЎТКАЗУВЧАН
КУПРАТЛАРДА МОТТ ВА ЯНГИ МЕТАЛЛ-ДИЭЛЕКТРИК
ЎТИШЛАР**

01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
диссертации доктора физико-математических наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract
of the doctor of science (DSc) on physical and mathematical sciences**

Курбанов Улугбек Тажибаевич

Легирланган юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларда
Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишлар 3

Курбанов Улугбек Тажибаевич

Моттовские и новые металл-диэлектрик переходы в легированных
высокотемпературных сверхпроводящих купратах 33

Kurbanov Ulugbek

Mott and new metal-insulator transitions in doped cuprate high-
temperature superconductors 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ УЛУГБЕК ТАЖИБАЕВИЧ

**ЛЕГИРЛАНГАН ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ЎТА ЎТКАЗУВЧАН
КУПРАТЛАРДА МОТТ ВА ЯНГИ МЕТАЛЛ-ДИЭЛЕКТРИК
ЎТИШЛАР**

01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазир Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM60 рақам би рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джуманов Сафарали
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппентлар:

Тўраев Назар Юлдашевич
физика-математика фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Имамов Эркин Зуннунович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Нуритдинов Иззатилло
физика-математика фанлари доктори, профессор,

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

Диссертация химояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.Б. Игамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда тешикли ток ташувчиларнинг локаллашган ва локал бўлмаган ҳолатларидан ҳамда металл-диэлектрик ўтишлардан боғлиқ бўлган тешикли легирланган юқори ҳароратли ўта ўтказувчан (ЮХЎЎ)-купратларнинг янги электрон хоссаларини ўрганиш замонавий конденсирланган ҳолат физикасининг жуда муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг кўрсатишича, кам легирланган ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратларнинг электрон хоссалари оддий диэлектрик, металл ва ўтаўтказгичларнинг электрон хоссаларидан сезиларли даражада фарқ қилар экан. Бу материалларнинг ғайриоддий электрон хоссалари бўлиб уларнинг транспорт ва магнит хоссалари ва ўта ўтказувчанликка ўтишнинг критик ҳарорати T_c ҳисобланади, бу хоссаларни аниқ билмасдан уларнинг нормал ва ўта ўтказувчан хоссаларини тўлиқ тушунишга эришиш қийин ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда ЮХЎЎ-материалларни ўрганиш жараёнида уларнинг юқорида айтилган ғайриоддий нормал ва ўта ўтказувчан хоссалари металл-диэлектрик ўтишларга, диэлектрик ва металл/ўта ўтказувчан йўлаклар (фазалар) ҳосил бўлишига, бу фазаларнинг наноўлчамли бўлинишларига ва диэлектрик ва металл/ўта ўтказувчан фазаларнинг биргаликда мавжудлигига олиб келадиган тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш ҳодисалари билан боғлиқлиги аниқланди. Легирланган яримўтказгичлар ва ЮХЎЎ-материалларда ток ташувчиларнинг локаллашиш жараёнларини, Мотт ва бошқа турдаги металл-диэлектрик ўтишларни ўрганишда эришилган ютуқларга қарамасдан, легирланган ЮХЎЎ-материалларда бу ҳодисаларнинг узвий миқдорий назарияси ҳалигача мавжуд эмас. Шунинг учун легирланган ЮХЎЎ-купратларда тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш механизмларининг ва Мотт ва бошқа турдаги металл-диэлектрик ўтишлар механизмларининг батафсил тадқиқоти жуда долзарб ва ЮХЎЎ-купратларнинг ғайриоддий диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан хоссаларини тушунишда жуда муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда яримўтказгичлар ва ўта ўтказгичлар материалшунослигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада легирланган ЮХЎЎ-купратларда локаллашган тешикли ток ташувчилар табиатини ва металл-диэлектрик ўтишларнинг ва фазаларнинг наномасштабли бўлиниш механизмларини аниқлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ривожини учун катта аҳамият эга бўлган бу фундаментал тадқиқотлар йўналиши ва унинг кейинчалик амалий қўлланилиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сон “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-

¹2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Диэлектриклар ва юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар физикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари дунёнинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Лейден университети (Нидерландия), Стэнфорд университети (АҚШ), Аргонн Миллий лабораторияси (АҚШ), Кембридж университети (Буюк Британия), Токио университети (Япония), Цюрих университети (Швейцария), Нейтрон сочилиш лабораторияси (Швейцария), Хоккайдо университети (Япония), Принстон университети (АҚШ), Макмастер университети (Канада), Жозеф Фурье номидаги университет (Франция), Брукхейвен Миллий лабораторияси (АҚШ), Макс Планк номидаги қаттиқ жисмлар физикаси институти (Германия), Лос-Аламос Миллий лабораторияси (АҚШ), Хитой фан ва технология университети (Хитой), Массачусет технология институти (АҚШ), Ландау номидаги назарий физика институти (Россия), Лебедев физика институти (Россия), Қаттиқ жисмлар физикаси институти (Россия), Рим университети (Италия), Энтвепен университети (Бельгия), Лафборо университети (Англия), Неаполь университети (Италия), Назарий физика институти (Хитой), Токио илмий университети (Япония), Б.И. Веркин номидаги паст ҳароратлар физикаси институти (Украина), Физика институти (Эстония), Оқтобе давлат университети (Қозғистон), Физика-техникавий муаммолар ва материалшунослик институти (Қирғистон) да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тешикли легирланган купратларнинг электрон хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида жаҳон миқёсида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: ЮХЎЎ-материалларда электрон фазаларнинг сегрегацияси ва бўлиниши ҳақидаги ғоялар таклиф қилинган (Ландау назарий физика институти, Россия); кам легирланган ЮХЎЎ-купратларда фазалар бўлинишининг тартиблашган спинлар ва заряд ташувчиларнинг ўзгарувчан йўлаклари кўринишидалиги ҳақидаги турли назарий моделлари таклиф қилинган (Лейден университети, Нидерландия; Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ; Рим университети, Италия); кам легирланган ЮХЎЎ-купратларда тартиблашган спинлар ва заряд ташувчиларнинг йўлаксимон фазалари аниқланган (Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ); кам ва

оптимал легирлаш режимларида ток ташувчиларнинг локаллашган ҳолатда бўлиш ҳодисасига боғлиқ ЮХЎЎ-купратларнинг солиштирма қаршилигининг CuO_2 қатламлари (яъни, *ab*- текисликда) бўйлаб ва *c* -ўқи бўйлаб диэлектрик хусусияти аниқланган, ҳамда ушбу диэлектрик кўринишнинг диэлектрик-металл ўтишлар ва ток ташувчиларнинг локал бўлмаган ҳолати билан боғлиқ равишда босқичма-босқич ўзгаришга мойиллиги аниқланган (Лос-Аламос миллий лабораторияси, АҚШ; Токио илмий университети, Япония; Каттик жисмлар физикаси институти, Россия; Халқаро ўта ўтказувчанлик технологик маркази, Япония); кам легирланган ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратларда металл-диэлектрик ўтишлар ҳақида маълумот берувчи магнит қабул қилувчанликнинг ҳароратга боғлиқлиги оддий металллар магнит қабул қилувчанлиги билан солиштирганда ғайриоддийлиги тўғрисида қизиқарли эксперимент натижалари олинган (Айова давлат университети, АҚШ; Хоккайдо университети, Япония; Кембридж университети, Англия); ЮХЎЎ-купратларда оптимал легирлашдан кам легирлаш режимига ўтишда ўта ўтказувчанликнинг сўниши ҳамда ўта ўтказувчанлик ва ток ташувчиларнинг локаллашиш эффекти биргаликда намоён бўлиш тўғрисида қимматли маълумотлар олинган (Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ; Тохоку университети, Япония).

Жаҳонда ҳозирги вақтда тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги турли электрон жараёнлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ЮХЎЎ-материалларнинг қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар бажарилмоқда: легирланган купратларнинг қуйи энергетик электрон тузилишини ва улардаги тешикли легирлаш йўли билан киритилган ток ташувчиларнинг ҳақиқий табиатини аниқлаш, металл-диэлектрик ўтишлар учун масъул тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш ва локал бўлмаган механизмларини, кучсиз ва кам легирланган купратларда диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг бўлинишини ойдинлаштириш, бу материалларда турли псевдотирқишлар ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш, тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратларнинг нормал ва ўта ўтказувчан хоссаларига ток ташувчиларнинг локаллашиш эффектлари, металл-диэлектрик ўтишлар ва фазаларнинг наноўлчамли бўлиниши, турли псевдотирқишлар ва бошқа электрон жараёнларнинг таъсири аниқланмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хил қаттик жисмларда ток ташувчиларнинг локаллашиши ва металл-диэлектрик ўтишлар ҳақидаги саволлар кўплаб таниқли олимлар, жумладан россиялик (Л.Д. Ландау, С.И. Пекар), германиялик (Г. Фрелих), англиялик (Р. Пайерлс, Н.Ф. Мотт, А. Вильсон, Дж. Хаббард, Д.М. Эглес.), япониялик (Ю. Тойазова), америкалик (Р. Фейнман, Т. Холстейн, Ф.В. Андерсон, Ж. Девреес, Д. Эмин) ва бошқалар олимлар томонидан ўн йилликлар давомида ўрганилган. Бу муаммолар 1933 йилда Ландау томонидан ишқорий-галоид кристалларда F-марказларнинг (ушлаб олинган электронли анион бўш жойи) хоссаларини тушунутиришда электроннинг автололлашиши ҳақидаги ғояни таклиф қилгандан

бошланган. 1931-1958 йилларда эса А. Вильсон, Н.Ф. Мотт, Ф. Вигнер, Р. Пайерлс ва Ф.В. Андерсонлар томонидан электронларнинг локал бўлмаган ҳолатдан локаллашган ҳолатга ўтишини тушунтиришда тўлган валент зонанинг юқорида тўлмаган зона билан кесишмасидаги (Вильсон ўтиши), кучли электрон корреляцияда (яъни, кристалл панжаранинг битта атом ёки ионида жойлашган икки электроннинг Кулон итаришишида) (Мотт ўтиши), электрон газнинг кристалланишида (Вигнер ўтиши), бир ўлчамли кристалл панжаранинг силжиши ва панжара доимийсининг икки хисса ортишида (Пайерлс ўтиши) ва кристалл панжаранинг тартибсизланишида (Андерсон ўтиши) металл-диэлектрик ўтишлар ҳақидаги ғояларни таклиф қилинган.

Кейинги йилларда бу дастлабки ғоялар қаттиқ жисмларнинг турли хилида, хусусан, оксидли материаллар ва легирланган яримўтказгичларда ток ташувчиларнинг локаллашиш ва локал бўлмаган ҳодисаларини ва металл-диэлектрик ўтишларни ўрганишда қўлланилди ва ривожлатирилди. Бунда Мотт ва Андерсон металл-диэлектрик ўтишлари ғоялари жаҳонда оксидли диэлектриклар ва легирланган яримўтказгичлар физикаси соҳасида олиб борилаётган тадқиқот ишларида сезиларли даражада ривожлантирилди (Дж. Хаббард, О. Маделунг, М.И. Клингер, Дж.Р. Куллен, Э.Р. Каллен, Дж. Канамор, Я. Заанен, Г.А. Савацкий, Дж.В. Аллен, Б.И. Шкловский, А.Л. Эфрос, Г. Котлиар, В. Добросавлжевик). Янги легирланган мис-оксидли (купратли) ЮХЎЎлар кашф этилганидан кейин ушбу мураккаб материалларда ток ташувчилар локаллашиши ва металл-диэлектрик ўтишлар муаммолари бўйича тадқиқотлар турли усуллар ва ёндошувларни қўллаган ҳолда япониялик (М. Имада, Я. Эндо, С. Оно), россиялик (А.Н. Лавров, В.Ф. Гантмахер), хитойлик (Ж.Б. Су, Ю Ли), европалик (П. Клемериал, Дж. Финк, Г.С. Боебингер, С. Кастэллени, П.А. Магетты) олимлар ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратларнинг электрон хоссаларини назарий тадқиқ қилиш бўйича ишлар олиб борилганига қарамасдан, бу материалларда тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш ва локал бўлмаган ва мумкин бўлган металл-диэлектрик ўтишлар механизмлари етарлича ойдинлаштирилмаган. Мотт ва бошқа металл-диэлектрик ўтишларнинг адекват микдорий мезонлари ҳақидаги масалалар ҳал қилинмади. Хусусан, легирланган купратларда Мотт ва бошқа мумкин бўлган металл-диэлектрик ўтишлар мезонларининг қўлланилиш чегаралари аниқланмаган ва бу ҳодисаларнинг назарияси ҳали ишлаб чиқилмаган. ЮХЎЎ-материаллардаги ток ташувчиларнинг локаллашиши ва металл-диэлектрик ўтишларга бағишланган назарий ишларда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғайриоддий электрон-фонон таъсирлашувлар ва полярон эффектларининг роли ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф2-Ф075+Ф070 “Реактор материаллари ва юқори ҳароратли ўтаўтказгичларнинг махсус электр, иссиқлик ва механик

хоссаларини тадқиқ қилиш” (2007-2011); Ф2-ФА-Ф120 «Кичик ўлчамли юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар, яримўтказгичли гетероструктуралар, металл ва уларнинг оксидларининг электрон хоссалари ва радиациявий такомиллаштирилиши» (2012-2016); ОТ-Ф2-15 «Юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар ва уларга ўхшаш конденсирланган системаларнинг янги ўтаўтказувчанлик ва ўта оқувчанлик хоссаларини назарий тадқиқ қилиш» (2017-2021) илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади легирланган юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларда ток ташувчиларнинг локаллашиш, Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишлар ва фазаларнинг наноўлчамли бўлиниш механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кучсиз легирланган купратларда тешикли ташувчиларнинг киришма атрофида ва деформацияланувчи кристалл панжарада локаллашиш механизмларини тадқиқ қилиш;

купратларнинг локаллашган ички тирқиш ҳолатлари деб аталувчи заряд кўчириш энергетик тирқиши ичида (яъни, таъқиқланган зонада) ҳосил бўладиган водородсимон локаллашиш ҳолатлари ва полярон ҳолатлари ҳосил бўлиш имкониятларини аниқлаш;

тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратларда рўй берадиган Мотт металл-диэлектрик ўтишларнинг ўзига хос механизмларини тадқиқ қилиш;

турли хил легирланган купратларда амалга ошадиган ғайриоддий заряд ташувчи-фонон ўзаро таъсири натижасида бўладиган металл-диэлектрик ўтишларнинг янги механизмларини ўрганиш;

легиранган ЮХЎЎ-купратларда киришма марказлари ва деформацияланувчи панжарада локаллашган заряд ташувчиларнинг биржинсли бўлмаган фазовий тақсимланишида заряд ташувчиларга тўйинган ва тўйинмаган қатламлар ҳосил бўлишига олиб келадиган тешикли заряд ташувчиларнинг сегрегация механизмларини аниқлаш;

кам легирланган купратларнинг юқори ҳароратли ўта ўтказувчанлик механизмларида ҳамда магнит қабул қилувчанликнинг ва электр қаршилиқнинг T_c дан юқори ҳароратларда ғайриоддий бўлгандаги металл-диэлектрик ўтишлар ва диэлектрик ва металл фазаларнинг наноўлчамли бўлиниш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кучсиз легирланган купратлар $La_{2-x}Ba_xCuO_4$ (LBCO), $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ (LSCO) ва $YBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ (YBCO), кам легирланган ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратлар LBCO, LSCO ва YBCO олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кучсиз легирланган купратларда, кам легирланган ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратларда тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш ва локал бўлмаган жараёнлари, Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишлар ҳамда диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг наноўлчамли бўлиниш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Вариацион усуллар, ток ташувчиларнинг хусусий ва хусусий бўлмаган автолокаллашишнинг континуал модели ва

адиабатик яқинлашиш, кучли боғланиш усули, компьютер графикаси (Mathematica).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

легиранган купратли материалларда тешикли ток ташувчиларнинг асосий ҳолатининг энергиялари ва легиранмаган купратларнинг таъқиқланган зонасида ҳосил бўлувчи водородсимон киришмалар, катта поляронлар ва биполяронларнинг энергетик сатҳлари аниқланган;

ЮХЎЎ-купратларнинг ингичка киришма зонасида ток ташувчилар орасидаги кучли корреляцияси натижасида кучсиз легиранган купратларда рўй берадиган Мотт металл-диэлектрик ўтишларнинг адекват миқдорий назарияси ривожлантирилган;

биринчи маротаба легиранган ЮХЎЎ-купратларда кучли тешикли заряд ташувчи - фонон ўзаро таъсирлашиш натижасида рўй берадиган янги металл-диэлектрик ўтишларнинг механизмлари таклиф қилинган ва уларнинг мезонлари олинган;

тешикли-легиранган ЮХЎЎ-купратларда кучли тешикли заряд ташувчи - фонон ўзаро таъсирлашиш натижасида рўй берадиган янги металл-диэлектрик ўтишларнинг батафсил миқдорий назарияси ривожлантирилган ва уларнинг кучсиз легиранган купратларда, кам ва оптимал легиранган ЮХЎЎ-купратларда рўй бериш имкониятлари кўрсатилган;

кучсиз легиранган, кам легиранган ва оптимал легиранган ЮХЎЎ-купратларда диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг наноўлчамли бўлинишининг микроскопик механизмлари аниқланган;

биринчи маротаба ЮХЎЎ-купратларда оптимал легирашдан кам легираш режимига ўтишда ўта ўтказувчанлик сўнишининг ҳақиқий сабаби сифатида легиранган купратли материалларда рақобатдош диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг биргаликда мавжуд бўлишидан эканлиги кўрсатилган;

биринчи маротаба кучсиз легиранган купратларнинг, кам ва оптимал легиранган ЮХЎЎ-купратларнинг магнит қабул қилувчанлигининг ҳароратга боғлиқлигини адекват ёритувчи ва бу боғлиқликдаги турли ғайриоддий ҳолатларнинг ҳосил бўлиш сабабларини тушинтириб берадиган аналитик ифодалар олинган;

кучсиз легиранган купратлар, кам ва оптимал легиранган ЮХЎЎ-купратларнинг магнит қабул қилувчанлиги ва электр қаршилигининг ҳароратга боғлиқлигида металл-диэлектрик ўтишлар ва турли хил псевдотирқишларнинг вужудга келиш имкониятлари кўрсатилган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

легиранган материалларда Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишларнинг назарияси ишлаб чиқилган;

легиранган оксидли яримўтказгичлар ва диэлектриклардаги янги металл-диэлектрик ўтишларнинг мезонлари учун формулалар олинган;

кучсиз легиранган, кам легиранган ва оптимал легиранган оксидли яримўтказгичлар ва диэлектрикларнинг магнит қабул қилувчанлиги учун янги формулалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги яхши синалган математик усуллар ва назарий ёндашувларни ишлатиш билан, яъни вариацион усуллар ва кучли боғланиш усули, ток ташувчиларнинг киришма ва деформацияланувчи панжара атрофида автолокаллашишини ёритувчи қаттиқ жисм континуал модели, ингичка киришма зоналардаги кучли электрон корреляция эффектларини таърифлашга имкон берадиган Мотт-Хаббард модели ҳамда олинган натижаларнинг тажриба натижалари билан мос келиши билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар тешикли ток ташувчиларнинг локаллашиш ва локал бўлмаган, металл-диэлектрик ўтишлар ва электрон фазаларнинг наноўлчамли бўлиниши ҳақидаги физикавий тасаввурларнинг кенгайтишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти легирланган ЮХЎЎ-материалларда ривожлантирилган Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишлар назариялари яримўтказгичлар ва ўта ўтказувчанлик материалшунослигининг физикавий асосларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин ва яхшиланган электрон хоссаларга эга, хусусан ўта ўтказувчанликка ўтишнинг юқори критик ҳарорати T_c га эга оксидли ЮХЎЎ материаллар яратиш йўллари олдидан айтиб беришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Легирланган юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларда Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

легирланган купратли материалларда тешикли ток ташувчиларнинг асосий ҳолатининг энергиялари ва легирланмаган купратларнинг таъқиқланган зонасида ҳосил бўлувчи водородсимон киришмалар, катта поляронлар ва биполяронларнинг энергетик сатҳларини аниқлашдаги натижалар “Водород энергетикаси технологиясини ривожлантириш” мақсадли илмий-техник Дастури доирасида фойдаланилган (Л.Н. Гумилев номидаги Евроосиё миллий университетининг 2019 йил 14 февралдаги № 03-02-12/704-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши водород энергетикаси технологияси учун ҳар хил шароитлардаги функционал нанокомпозитли ва термоэлектрик материалларнинг техник характеристикаларини яхшилаш имконини берган;

кучсиз легирланган купратлардаги ва ЮХЎЎ-купратларнинг кенг легирлаш ораликларидаги Мотт ва янги металл-диэлектрик ўтишларнинг ишлаб чиқилган батафсил миқдорий назариялари 0113РК00953 рақамли “Панжара симметрияси камайганда ўта ўтказувчан ва ишқорий материалларнинг физикавий хоссаларини бошқариш технологиясини ишлаб чиқиш” (2012-2017) ва 0115РК01111 рақамли “Ишқорий-галлоид кристаллар-сцинтилляторларда ионлаштириувчи радиация энергиясини трансформацияси механизмларини бошқариш технологияси” (2012-2017) лойиҳалар доирасида фойдаланилган (К. Жубанов номидаги Оқтобе давлат университетининг 2019 йил 15 февралдаги № 21-13/569-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кристалл

панжаранинг паст симметриясига эга ўта ўтказувчан материалларда рўй берадиган турли электрон жараёнларини тушунтириш имконини берган;

янги металл-диэлектрик ўтишлар бўйича таклиф қилинган механизмлар ва кучсиз легирланган купратлар, кам ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратларда диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг наноўлчамли бўлиниши бўйича таклиф қилинган микроскопик механизмлар, ҳамда легирланган купрат материалларда рақобатдош диэлектрик, металл ва ўта ўтказувчан фазаларнинг биргаликда мавжуд бўлиши 0115PK02715 рақамли “Кенг қўлланилиш спектрига эга янги углеродли наноматериалларни ишлаб чиқиш” лойиҳа доирасида нанокөмпозит материалларнинг ғайриоддий электрон хөссаларини ўрганишда қўлланилган (Ал-Фөрөбий номидаги Қөзөк миллий университетининг 2019 йил 12 февралдаги № 19-9-396-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши көмпозит материалларда диэлектрик-металл ва металл-углерод ўтишларда содир бўладиган физикавий жараёнларни тушунтириш ҳамда наноматериалларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш имконини берган;

кучсиз легирланган купратлар, кам легирланган ва оптимал легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги магнит қабул қилувчанлик ва электр қаршилиқнинг ҳароратга боғлиқлигига металл-диэлектрик ўтишлар ва турли хил псевдотирқишларнинг таъсирини назарий тадқиқ қилиш натижалари “14 Т гача бўлган магнит майдонларда $FeSe_xTe_{1-x}$ ва $ErFe_xCo_{1-x}As_2$, $RE(Rh_xRu_{1-x})_4B_4$ магнит ўтаўтказгичларнинг магнитланганлигини ва электр қаршилигини тадқиқ қилиш” (2013-2017) лойиҳаси доирасида қўлланилган (Украина Миллий Фанлар академияси Б.И. Веркин номидаги Паст ҳароратлар Физика-техника институтининг 2019 йил 12 февралдаги № 64/92-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши магнитли юқори ҳароратли ўтаўтказгичларда псевдотирқишнинг ҳолатини тушунтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 мақола, шулардан 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш бешта бөб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ва уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Қаттиқ жисмларда ток ташувчиларнинг локаллашиши ва металл-диэлектрик ўтишлар механизмлари” деб номланган биринчи бобда тадқиқот олиб борилаётган тематиканинг илмий адабиётлардаги умумий таҳлили берилган. Қаттиқ жисмларда ток ташувчиларнинг локаллашиши ва металл-диэлектрик ўтишлар механизмларига бағишланган назарий тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Легирланмаган ва легирланган материалларда металл-диэлектрик ўтишларга олиб келадиган электронлар (тешиклар)нинг локаллашишини ёритувчи назарий моделлар ва ёндашувларга катта эътибор қаратилган. Хусусан, Вильсон, Мотт, Пайерлс, Андерсон ва бошқалар томонидан таклиф қилинган металл-диэлектрик ўтишларнинг механизмлари қаралган. Легирланган ЮХЎЎ-купратларда металл-диэлектрик ўтишларнинг ҳал қилинмаган асосий муаммолари аниқланган, уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинган ва диссертациянинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

“Легирланмаган ва легирланган купратли бирикмаларнинг электрон тузилишининг фарқли хусусиятлари” деб аталган иккинчи бобда купратли бирикмаларни тешикли ток ташувчилар билан легирлашда улардаги кислород валент зонасида ҳосил бўладиган тешикли ток ташувчиларнинг асосий ҳолат энергиялари ҳисобланган ва легирланмаган купратларнинг диэлектрик тирқишида (яъни, таъқиқланган зонасида) водородсимон киришмалар, катта полярон ва биполяронларнинг мумкин бўлган энергетик сатҳлари, тешикли ток ташувчилар билан легирланган купратларнинг бир заррачали ғалаёнланиш спектрларида қуйи энергетик тирқиш сифатида намоён бўладиган катта биполяронларнинг ҳосил бўлиш энергияси ва катта (би)поляронлар боғланиш энергиялари аниқланган.


Зайнан-Савацкий-Алленнинг замонавий классификацияси бўйича легирланмаган купратларнинг зоналар тузилиши Кулон итаришиш энергияси U_d дан, d -зонанинг кенглиги W ва кислород ионларидан мис ионларига зарядлар ўтказишдаги энергетик тирқиш $E_g = \Delta_{CT} = \varepsilon_d - \varepsilon_p$ дан боғлиқ, бу ерда ε_d ва ε_p мос равишда мис ва кислород атомларидаги электронлар энергияси. Ушбу $U_d > W > \Delta_{CT}$ шартда легирланмаган купратларнинг электрон зоналар тузилиши заряд ўтказишдаги Мотт диэлектрикка мос келади. Бу материалларда Хаббард юқори зонаси ва кислород валент зонаси орасидаги энергетик тирқиш $E_g = 1.5-2$ эВни ташкил этади. Бироқ легирланмаган купратларни легирлаш жараёнида уларнинг таъқиқланган зонасида (яъни, E_g энергетик тирқиш ичида) табиати номаълумлигича қолаётган янги электрон ҳолатлар ҳосил бўлади. Шунинг учун тешикли ток ташувчилар билан легирланган купратларнинг янги электрон тузилишларини аниқлаш учун биз адиабатик яқинлашув ва ионли кристаллнинг континуал модели доирасида киришмали (хусусан, водородсимон киришмалар) ва локаллашган (би)поляронли ҳолатлар ҳосил бўлиш имкониятларини ўргандик. Бунда

легирланган купратларда тешикли ток ташувчиларнинг тўлиқ энергияси функционаллари $E_1\{\psi(\vec{r})\}E_1\{\psi(\vec{r})\}$ ва $E_2\{\Psi(\vec{r}_1, \vec{r}_2)\}E_2\{\Psi(\vec{r}_1, \vec{r}_2)\}$ уларнинг тўлқин функциялари $\psi(r)\psi(r)$ (битта тешик учун) ва $\Psi(r_1, r_2)\Psi(r_1, r_2)$ (иккита тешик учун), панжара деформацияси $\Delta(r)$ ва кутбланган панжаранинг электростатик потенциалдан $\phi(r)\phi(r)$ боғлиқ бўлиб, вариацион усул билан ҳисобланади ҳамда водородсимон киришмали ва локаллашган (би)поляронли ҳолатлар энергиялари аниқланади. Бизнинг ҳисоблашларимизнинг кўрсатишича, водородсимон киришмали ва локаллашган (би)поляронли ҳолатлар энергетик сатҳлари легирланмаган купратларнинг юқори энергияли электрон тузилишидан фундаментал тарзда ажралиб турадиган легирланган купратларнинг қуйи энергетик электрон тузилишини аниқлайди.

Киришмали марказларнинг ионлашиш энергиялари ва катта поляронларва биполяронларҳосил бўлиш энергиялари легирланган купратларнинг уйғониш спектрида уларнинг янги тирқишли хусусиятлари каби намоён бўлади. Бундай тирқишли хусусиятлар кучсиз легирланган ва кам легирланган купратларда тажрибаларда кузатилган бўлиб, 0.04-0.06 эВ ва 0.08-0.15 эВ энергияларда кузатилган қуйи энергетик тирқишлар мос равишда катта полярон E_p ва биполяронлар E_{bv} нинг боғланиш энергиялари билан боғлиқ.

“Легирланган купратларда Мотт металл-диэлектрик ўтишларнинг қўлланилиши” деб номланган учинчи бобда Мотт металл-диэлектрик ўтишлар концепциясининг легирланган купратларга қўлланилиши тўғрисидаги савол янада адекват ва реалистик ёндошувлар орқали ечилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунда биз легирланган купратларда Мотт металл-диэлектрик ўтишларининг ўзига хос хусусиятларини бу киришма зоналарида: (1) водородсимон киришма марказларининг, (2) кислород валент зонаси ва ўтказувчанлик зонаси (Хаббард юқори зонаси) орасида ингичка киришма зоналар ҳосил бўлиши, ва (3) ток ташувчиларнинг кучли корреляция эффектлари мавжуд бўлган шароитларда қарадик.

Купратларни легирлашнинг паст даражаларида Ферми сатҳи заряд ўтказиш энергетик тирқиши Δ_{CT} марказига яқин жойда бўлади. Легирлаш даражаси ортиши билан киришмали зона кислород валент зонасининг юқори қисмида ҳосил бўлади ва p -тип яримўтказгичларда Ферми сатҳи уларнинг валент зонаси юқорисига силжигани каби Ферми сатҳи киришмали зона томон силжийди (1-расм).



LHB: Хаббард қуйи зонаси. UHB: Хаббард юқори зонаси. OVb: кислород валент зонаси.
 I: киришмали (нуқсонли) зона. ϵ_F киришма зонасининг Ферми энергияси.

1-расм. Кам легирланган купратларда энергия ϵ функцияси кўринишидаги схематик зоналар тузилиши

Бир жинсли бўлмаган легирланган купратларда легирловчи киришмаларнинг турли хил фазовий тартибланиши уларнинг турли хил ўта катта панжаралари ва ингичка киришма зоналарининг ҳосил бўлишига олиб келади. Водородсимон киришма марказлари панжара доимийси a_I ва координацион сони z бўлган ўта катта панжаралар ҳосил қилади деб тахмин қилинади. Бунда ушбу киришма марказларнинг турли хил фазовий тартибланиши оддий куб ($z=6$), ҳажмий марказлашган куб ($z=8$) ва томонлари марказлашган куб ($z=12$) ўта катта панжаралар ва купратларнинг таъқиқланган зонасида ҳар хил киришма зоналарининг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу киришма зоналарининг кенглиги кучли боғланиш яқинлашувида қуйидаги муносабатдан аниқланади

$$W_I = 2zJ \quad W_I = 2zJ, \quad (1)$$

бу ерда $J = \frac{\hbar^2}{2m^*a_I^2} J = \frac{\hbar^2}{2m^*a_I^2}$ яқин қўшни киришма марказлари орасидаги сакраш интеграллари, m^* киришмаларда локаллашган тешикли ток ташувчилар массаси.

Водородсимон киришма марказлари учун сакраш интеграллари қуйидагича аниқланади

$$J = \frac{e^2\lambda}{\epsilon_0} \exp(-\lambda R) \quad J = \frac{e^2\lambda}{\epsilon_0} \exp(-\lambda R), \quad (2)$$

бу ерда λ киришма ҳолати тескари радиуси, R водородсимон киришма марказлари орасидаги масофа.

Водородсимон киришма марказлари сони ортиши билан киришмали ҳолатларнинг устма-уст тушиши ортади, киришма зона кенлиги W_I ҳам ортади ва кенгайган киришмали зонада тешикли ток ташувчиларни ўтказиш

жараёни уларнинг зонадаги ҳаракати (ёки металлсимон) бўлади. Тешикли легирланган купратларда ток ташувчиларнинг кучли корреляцияси туфайли содир бўладиган Мотт металл-диэлектрик ўтишларнинг имконияти битта киришма марказида жойлашган иккита тешикли ток ташувчиларнинг Кулон итаришиш энергияси U катталигидан ҳамда киришма зонаси кенглиги W_I дан боғлиқ. Бу материалларда Мотт-Хаббард модели битта тешикли киришмалар кристалл панжараси учун қўлланилади, бунда уларнинг хар бири катта r масофаларда $\exp(-r/a_H)$ каби камайдиган $\Psi_I(r)\Psi_I(r)$ тўлқин функция орқали ёритилади, кучли боғланиш яқинлашуви битта киришма марказидан бошқасигача бўлган a_I масофа етарлича катта бўлганлиги сабабли қўлланилмайди. Водородсимон киришмали атомларнинг ингичка зонасига Мотт-Хаббард модели қўлланилаётганда, легирланган купратли материалларда Мотт металл-диэлектрик ўтиши чегараларини аниқлаш учун U нинг аниқ қийматини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Легирланган яримўтказгичларда Мотт металл-диэлектрик ўтишлари бўйича олдин олиб борилган назарий тадқиқотларда U нинг қиймати панжара водородсимон иони зарядини шу ионда жойлашган иккита заряд ташувчиларидан биттаси билан экранлаш эффектини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланган. Водородсимон акцепторли киришма марказининг иккита тешикли заряд ташувчиларидан биттаси билан экранлаш эффекти киришма иони заряди Z нинг камайишига олиб келади. Бунда водородсимон киришма қандайдир эффектив заряд Z^* га эга бўлади ва иккита тешикли водородсимон киришма маркази гамилтониани куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H = -\frac{\hbar^2}{2m_1^*} \nabla_1^2 - \frac{\hbar^2}{2m_2^*} \nabla_2^2 - \frac{Z^* e^2}{\epsilon_0} \left[\frac{1}{|\vec{r}_1|} + \frac{1}{|\vec{r}_2|} \right] + \frac{e^2}{\epsilon_0 |\vec{r}_1 - \vec{r}_2|}$$

$$H = -\frac{\hbar^2}{2m_1^*} \nabla_1^2 - \frac{\hbar^2}{2m_2^*} \nabla_2^2 - \frac{Z^* e^2}{\epsilon_0} \left[\frac{1}{|\vec{r}_1|} + \frac{1}{|\vec{r}_2|} \right] + \frac{e^2}{\epsilon_0 |\vec{r}_1 - \vec{r}_2|}, \quad (3)$$

бу ерда $m_1^* m_1^*$ ва $m_2^* m_2^*$ - тешикли ток ташувчиларнинг эффектив массалари, $|\vec{r}_1 - \vec{r}_2|$, $|\vec{r}_1 - \vec{r}_2|$, $\vec{r}_1 \vec{r}_1$ ва $\vec{r}_2 \vec{r}_2$ координаталарга эга бу ток ташувчилар орасидаги масофа.

Водородсимон киришма маркази асосий ҳолат энергияси иккита тешикли ток ташувчили тўлқин функциясидан фойдаланиб ҳисобланади

$$\Psi(\vec{r}_1, \vec{r}_2) = \psi_I(\vec{r}_1) \psi_I(\vec{r}_2) = \frac{1}{\pi} \left(\frac{Z^*}{a_H} \right)^3 \exp \left[-\frac{Z^*(r_1 + r_2)}{a_H} \right]$$

$$\Psi(\vec{r}_1, \vec{r}_2) = \psi_I(\vec{r}_1) \psi_I(\vec{r}_2) = \frac{1}{\pi} \left(\frac{Z^*}{a_H} \right)^3 \exp \left[-\frac{Z^*(r_1 + r_2)}{a_H} \right], \quad (4)$$

бу ерда Z^* вариацион параметр, $a_H = \hbar^2 \epsilon_0 / m^* e^2$ - водородсимон киришма марказининг Бор радиуси, $m^* = m_1 = m_2$ - легирланган купратда тешикли ток ташувчининг эффектив массаси.

Бу ҳолда каралаётган системанинг асосий ҳолат энергияси қуйидаги ифодадан топилади:

$$E(Z^*) = \iint \Psi^*(r_1, r_2) H \Psi(r_1, r_2) d^3 r_1 d^3 r_2 \quad E(Z^*) = \iint \Psi^*(r_1, r_2) H \Psi(r_1, r_2) d^3 r_1 d^3 r_2 \quad (5)$$

Интеграл (5) ни тўлқин функцияси (4) дан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб ва $E(Z^*)$ функционални Z^* бўйича минимизация қилиш орқали қуйидагини топамиз

$$Z^* = Z - \frac{5}{16} Z^* = Z - \frac{5}{16}. \quad (6)$$

Шундай қилиб, Мотт энергетик тирқишини ташкил этувчи битта киришма марказида жойлашган иккита тешикли ток ташувчилар орасидаги Кулон итаришиш энергиясининг аниқ қиймати қуйидагига тенг

$$U = \iint \psi_I^2(r_1) \frac{e^2}{\epsilon_0 r_{12}} \psi_I^2(r_2) d^3 r_1 d^3 r_2 = \frac{5}{4} \left(Z - \frac{5}{16} \right) E_I^H$$

$$U = \iint \psi_I^2(r_1) \frac{e^2}{\epsilon_0 r_{12}} \psi_I^2(r_2) d^3 r_1 d^3 r_2 = \frac{5}{4} \left(Z - \frac{5}{16} \right) E_I^H, \quad (7)$$

бу ерда $E_I^H = \frac{e^2}{2\epsilon_0 a_H} E_I^H = \frac{e^2}{2\epsilon_0 a_H}$ - бир тешикли водородсимон киришма маркази ионлашиш энергияси.

Биз легирланган купратларда Мотт металл-диэлектрик ўтишларининг адекват мезонларини ноаниқлик тамойилини $\Delta E \cdot \Delta t \geq \hbar/2$ $\Delta E \cdot \Delta t \geq \hbar/2$ қўллаш орқали олдик, бу ерда ΔE ва Δt мос равишда тўлиқ энергия ва вақт бўйича ноаниқлик. Бу ноаниқлик муносабатини баъзи бир шакл ўзгартиришдан кейин қуйидагича ёзиш мумкин

$$\Delta x \cdot \Delta \bar{V} \geq \frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*} \cdot \frac{1}{2\Delta k} \Delta x \cdot \Delta \bar{V} \geq \frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*} \cdot \frac{1}{2\Delta k}, \quad (8)$$

бу ерда $\Delta \bar{V} \Delta \bar{V}$ ва Δk ток ташувчининг потенциал энергияси ва тўлқин вектори бўйича ноаниқлик.

(8) муносабатдаги $\frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*}$ $\frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*}$ ифода ток ташувчининг кинетик энергияси бўйича ноаниқликни билдиради. Киришмали зонада ток ташувчининг кинетик энергияси бўйича ноаниқликни қуйидагича аниқлаш

мумкин $\frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*} \simeq \frac{W_I}{2}$ $\frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m^*} \simeq \frac{W_I}{2}$, тўлқин вектори бўйича

ноаниқлик эса қуйидагича $\Delta k \simeq 1/a_I$ $\Delta k \simeq 1/a_I$ аниқланади.

У ҳолда (8) ифодани қуйидагича қайта ёзамиз

$$\Delta\chi \cdot \Delta\bar{V} \simeq \frac{W_I a_I}{4} \Delta\chi \cdot \Delta\bar{V} \simeq \frac{W_I a_I}{4} \quad (9)$$

Бошқа томондан водородсимон киришма марказидаги ток ташувчининг потенциал энергиясидаги ноаниклик $\Delta\bar{V}$ Хаббард энергияси U тартибида, бу ток ташувчининг координатаси бўйича ноаниклик эса водородсимон киришма марказининг Бор радиуси a_H тартибида бўлади. Бу ҳолда тешикли ток ташувчининг локаллашиш шарти қуйидагича ёзилади $U \cdot a_H \gtrsim \frac{W_I a_I}{4}$ $U \cdot a_H \gtrsim \frac{W_I a_I}{4}$ ёки кейинчалик таҳлилда осон бўлиши учун

$$\frac{W_I}{U} \lesssim \frac{4a_H W_I}{a_I U} \lesssim \frac{4a_H}{a_I} \quad (10)$$

Бу шарт жуда муҳим фундаментал натижа бўлиб ҳисобланади ва легирланган материалларда Мотт металл-диэлектрик ўтиш миқдорий мезонларининг аниқ қийматларини топиш имконини беради. Хаббард энергияси U ва киришма зонаси кенглигини W_I билган ҳолда (10) ифодадан легирланган купратларда Мотт металл-диэлектрик ўтишларнинг мезонларини аниқлаш мумкин. Водородсимон киришма марказлари учун $Z=1$ да U нинг қиймати (7) ифодадан аниқланади $U = (55/64)E_I^H$ $U = (55/64)E_I^H$, киришма зона кенглигини W_I эса қуйидаги ифодадан топиш мумкин

$$W_I = 2z \frac{e^2}{\epsilon_0 a_H} \exp(-\lambda R) \quad W_I = 2z \frac{e^2}{\epsilon_0 a_H} \exp(-\lambda R) \quad (11)$$

бу ерда $\lambda = a_H^{-1}$ $\lambda = a_H^{-1}$.

У ҳолда Мотт металл-диэлектрик ўтишлар мезони қуйидагича ёзилади

$$\frac{W_I}{U} \simeq \frac{64z}{55} \exp\left(-\frac{R}{a_H}\right) = \frac{4a_H W_I}{a_I U} \simeq \frac{64z}{55} \exp\left(-\frac{R}{a_H}\right) = \frac{4a_H}{a_I} \quad (12)$$

Водородсимон киришма марказлари оддий куб ($z=6$), ҳажмий марказлашган куб ($z=8$), ва томонлари марказлашган куб ($z=12$) ўта катта панжаралари ҳосил қилса, уларнинг ўта катта панжара доимийлари мос равишда $a_I = R$ $a_I = R$, $a_I = \frac{2R}{\sqrt{3}}$ $a_I = \frac{2R}{\sqrt{3}}$ ва $a_I = \sqrt{2}R$ $a_I = \sqrt{2}R$ га тенг бўлади. Шундай қилиб, (12) ифода қуйидагича ёзилади

$$\left(\frac{64z}{55n^{\frac{1}{3}}a_H}\right) \exp\left[-\frac{1}{n^{\frac{1}{3}}a_H}\right] = 1 \quad \left(\frac{64z}{55n^{\frac{1}{3}}a_H}\right) \exp\left[-\frac{1}{n^{\frac{1}{3}}a_H}\right] = 1 \quad (z=6)$$

учун),

(z=8 учун),

(z=12 учун).

Бу тенгламаларни $n^{\frac{1}{3}}a_H n^{\frac{1}{3}}a_H$ га нисбатан ечгандан кейин Мотт металл-диэлектрик ўтишларининг мезонлари аниқланди: $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.3265$
 $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.3265$ (z=6), $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.2968$ $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.2968$ (z=8) ва $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.2504$
 $n^{\frac{1}{3}}a_H \simeq 0.2504$ (z=12).

Агар $m^*=m_e$ ва $\epsilon_0=30$ деб олсак, LSCO учун $a_H \approx 15.87 \text{ \AA}$ га тенг бўлади, Мотт металл-диэлектрик ўтишлари бу материалларда тешикли ток ташувчиларнинг $x_c = n_c/n_a \simeq 0.00075 - 0.00166$ $x_c = n_c/n_a \simeq 0.00075 - 0.00166$ концентрациясида рўй беради, бу ерда $n_a=1/V_a$ кристалл панжара атомлари зичлиги, V_a купратларда CuO_2 га тўғри келган ҳажм (LSCO учун $V_a=190 \text{ \AA}^3$). x_c нинг бу қийматлари тажрибада топилган қийматлар $x_c=0.02$ дан жуда кичик. Бирок, катта радиусли киришма ва катта полярон LSCO да водородсимон киришмали марказ ҳосил қилиши мумкин. Катта поляроннинг LSCO даги водородсимон ҳолати $a_H = 0.529\epsilon_0 m_e / m_p \text{ \AA}$ $a_H = 0.529\epsilon_0 m_e / m_p \text{ \AA}$ ифодадан топиладиган Бор радиусига эга бўлади. У ҳолда $m_p=2.1m_e$ ва $\epsilon_0=28$ деб олсак, $a_H \approx 7.06 \text{ \AA}$. Бу вазиятда Мотт металл-диэлектрик ўтишлари $x_c=0.0188$ (z=6) ва $x_c=0.0141$ (z=8) қийматларда рўй беради. x_c нинг бу қийматлари тажрибада топилган LSCO антиферромагнитик тартиб бузиладиган $x_c=0.02$ қийматларга яқин ҳисобланади.

“Тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратларда янги металл-диэлектрик ўтишлар ва фазаларнинг наноўлчамли бўлиниши” деб аталган тўртинчи бобда кучли тешикли ток ташувчи-кристалл панжара ўзаро таъсирлашувлари ва полярон эффектлари сабабли тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги янги металл-диэлектрик ўтишлар ва фазаларнинг наноўлчамли бўлиниши ўрганилган. ЮХЎЎ-купратларнинг энг муҳим фарқли хусусияти шундан иборатки, улар типик кутбли материаллар бўлиб, уларда тешикли ток ташувчи-кристалл панжара ўзаро таъсирлари етарлича кучлидир. Купратли бирикмаларнинг юқори ионлашиш даражаси $\eta=\epsilon_\infty/\epsilon_0 \ll 1$


қутбий электрон-фонон ўзаро таъсирларни ва поляронлар ҳосил бўлиш тенденциясини кучайтиради. Купратли бирикмаларни тешикли ток ташувчилар билан легирлаш жараёнида эркин тешиклар бошланғич пайтда кислород валент зонасида ҳосил бўлади ва бу тешикли ток ташувчилар кристалл панжара тебранишлари билан кучли таъсирлашади ва улар полярон бўлиб қолади. Катта поляронлар водородсимон киришма марказлари каби панжара доимийси a_p ва координацион сони z бўлган турли хил ўта катта панжаралар ҳосил қилади деб ҳисоблаш мумкин. Бунда полярон ток ташувчиларнинг мумкин бўлган тартибланиш типлари поляронларнинг оддий куб, ҳажмий марказлашган куб ва томонлари марказлашган кубли координацион сонлари мос равишда $z=6, 8$ ва 12 га тенг бўлган ўта катта панжаралари ҳосил бўлишига ва купратларнинг заряд ўтказувчи энергетик тирқишида турли хил полярон зоналарнинг ҳосил бўлишига олиб келади (2-расм). Кучли боғланиш яқинлашувида катта поляронларнинг энергетик зоналарининг кенглиги киришма зонаси кенглиги каби қуйидаги ифодадан аниқланади

$$W_p = zZJ_p W_p = zZJ_p \quad (13)$$

бу ерда $J_p = \frac{\hbar^2}{2m_p a_p^2} J_p = \frac{\hbar^2}{2m_p a_p^2}$ поляронлар ўта катта панжараларининг энг яқин қисмлари орасидаги сакраш интегралли, m_p полярон ток ташувчиларнинг эффектив массаси.

Агар поляронлар панжара параметрлари $a_p = R$ $a_p = R$ ($z=6$), $a_p = \frac{2R}{\sqrt{3}}$ ($z=8$) ва $a_p = \sqrt{2}R$ $a_p = \sqrt{2}R$ ($z=12$) бўлган оддий куб, ҳажмий марказлашган куб ва томонлари марказлашган кубли ўта катта панжаралар ҳосил қилса, бу панжаралардаги полярон ток ташувчиларининг зичликлари

мос равишда $n = \frac{1}{a_p^3} n = \frac{1}{a_p^3}$, $n = \frac{2}{a_p^3} n = \frac{2}{a_p^3}$ ва $n = \frac{4}{a_p^3} n = \frac{4}{a_p^3}$ га тенг бўлади.



LHB- Хаббард қуйи зонаси. UHB- Хаббард юқори зонаси. OVB- кислород валент зонаси. P- полярон зонаси. ϵ_F - полярон зонасининг Ферми энергияси

2-расм. Кам легирланган купратларнинг схематик зоналар тузилиши (ҳолатлар зичлиги $N(\varepsilon)$ поляронлар энергияси ε функцияси)

Биз тешикли поляронли ток ташувчиларнинг локаллашиш шартларини ўргандик ва янги металл-диэлектрик ўтишларнинг мезонларини Гейзенберг ноаниқлик тамойилини қўллаш билан аниқладик, уни оддий шакллантиришлардан кейин қуйидагича ёзишимиз мумкин

$$\Delta x \cdot \Delta \bar{V} \geq \frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m_p} \cdot \frac{1}{2\Delta k} \Delta x \cdot \Delta \bar{V} \geq \frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m_p} \cdot \frac{1}{2\Delta k}, \quad (14)$$

бу ерда Δx , $\Delta \bar{V}$ ва Δk мос равишда тешикли поляроннинг координатада, потенциал энергияда ва тўлқин вектордаги ноаниқликлари.

Полярон ток ташувчининг полярон зонадаги кинетик энергияси ва тўлқин вектори бўйича ноаниқликларни қуйидагича ёзиш мумкин $\frac{\hbar^2 (\Delta k)^2}{2m_p} \sim \varepsilon_F$ ва $\Delta k \sim 1/a_p$, бу ерда полярон зонасидаги Ферми энергияси ушбу ифодадан топилади

$$\varepsilon_F = \frac{\hbar^2 (3\pi^2 [n])^{2/3}}{2m_p} \varepsilon_F = \frac{\hbar^2 (3\pi^2 [n])^{2/3}}{2m_p}, \quad (15)$$

n - поляронлар концентрацияси.

У ҳолда (14) муносабатни қуйидагича ёзиш мумкин

$$\Delta x \cdot \Delta \bar{V} \simeq \frac{\varepsilon_F a_p}{2} \Delta x \cdot \Delta \bar{V} \simeq \frac{\varepsilon_F a_p}{2} \quad (16)$$

Поляроннинг потенциал энергиясидаги $\Delta \bar{V}$ ноаниқлик полярон ҳосил бўлиш энергияси E_p тартибида бўлишини ва автолокаллашган тешикли ток ташувчи жойлашган потенциал ўранинг чуқурлигига тенглигини ва унинг координатасидаги Δx ноаниқлик полярон радиуси R_p тартибида бўлишини ҳисобга олиб, (16) ноаниқлик муносабатини қуйидагича ёзамиз

$$\frac{E_p}{\varepsilon_F} \geq 0.5 \frac{a_p}{R_p} \frac{E_p}{\varepsilon_F} \geq 0.5 \frac{a_p}{R_p} \quad (17)$$

Бу тенгсизлик полярон ток ташувчиларнинг локаллашиш шarti бўлиб ва қаттиқ жисмларда янги металл-диэлектрик ўтишларнинг универсал мезони ҳисобланади. Бундай металл-диэлектрик ўтишларнинг мезони учун (15) ва (17) ифодаларни ҳисобга олиб қуйидагини ёзамиз

$$x = x_c = \frac{n_c}{n_a} = \frac{1}{3\pi^2 n_a} \left[\frac{4m_p E_p R_p}{\hbar^2 a_p} \right]^{\frac{3}{2}} \quad x = x_c = \frac{n_c}{n_a} = \frac{1}{3\pi^2 n_a} \left[\frac{4m_p E_p R_p}{\hbar^2 a_p} \right]^{\frac{3}{2}}, \quad (18)$$

кристалл панжарадаги атомлар зичлиги $n_a=1/V_a$ га тенглиги ва купратларда CuO_2 ҳажми V_a орқали берилган.

Поляронларнинг оддий куб ($z=6$), ҳажмий марказлашган куб ($z=8$) ва томонлари марказлашган куб ($z=12$) ўта катта панжаралари учун панжара

параметрлари мос равишда қуйидагича $a_p = 2R_p$, $a_p = 2R_p$, $a_p = \frac{4R_p}{\sqrt{3}}$ ва $a_p = \frac{4R_p}{\sqrt{3}}$ аниқланган.

Тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратларда металл-диэлектрик ўтишлар рўй берадиган полярон ток ташувчиларнинг (18) муносабатдан аниқланадиган ўлчамсиз критик концентрациясининг минимал ва максимал қийматлари поляронларнинг томонлари марказлашган куб ва оддий куб ўта катта панжараларига мос келади. Шунинг учун (18) мезонни поляронларнинг оддий куб ва томонлари марказлашган куб ўта катта панжараларига қўллаб, тешикли легирланган купратларда металл-диэлектрик ўтишларнинг қуйидаги мезонларини топамиз

$$x_{c1} = \frac{1}{3\pi^2 \hbar^3 n_a} [2m_p E_p]^{\frac{3}{2}} \quad x_{c1} = \frac{1}{3\pi^2 \hbar^3 n_a} [2m_p E_p]^{\frac{3}{2}} \quad (19)$$

ва

$$(20)$$

Легирланган ЮХЎЎ-купратларда янги металл-диэлектрик ўтишлар имкониятини қараб чиқамиз ва бу ўтишлар рўй берадиган полярон ток ташувчиларнинг концентрациясининг критик қийматларини ҳисоблаймиз.

Тажриба маълумотларига кўра катта поляронлар массасини LSCO да $m_p=(2.1-2.7)m_e$ га тенг деб, YBCO да эса $m_p=(2.0-4.0)m_e$ га тенг деб олишимиз мумкин.

Бунда энергиянинг $\epsilon_\infty=3.5$ ва $\eta=0.02-0.08$ даги назарий қийматларидан $E_p=(0.09-0.106)$ эВ фойдаланамиз. LSCO да V_a нинг қиймати $V_a=190 \text{ \AA}^3$ га

тенглигидан, $n_a = 1/V_a \approx 0.53 \cdot 10^{22} \text{ см}^{-3}$ га тенг бўлади.

YBCO да эса $V_a=100 \text{ \AA}^3$ тенг, $n_a = 1/V_a \approx 10^{22} \text{ см}^{-3}$ га тенг бўлади.

